

## ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.

Шерзод Солижонович Махсудов

Фаргона давлат университети  
тадқиқотчи



ELSEVIER



**Abstract** Мазкур мақолада тўқимачилик саноати, республика ялпи ички маҳсулот, тиқувчилик-трикотаж корхоналари, хом ашё базаси, маҳсулот ишлаб чиқариш хажми, инвестицион фаолиятини бошқариш масалалари, инновацион-инвестицион ривожланиш, бошқарув механизмлари, ташқи ва ички бозор талаблари, иқтисодий рентабеллик, банк фойзига нисбатан рентабеллик юқори, рентабеллик банк фойзи даражаси, банк фойзига нисбатан рентабелликлар назарий жиҳатдан асослаб берилган...

**Keywords:** Иқтисодий рентабеллик, активларнинг қўшимча ўсиши, Молиявий-эксплуатацион эҳтиёжлар, Соф тушумлар коэффициенти, Айланма узок муддатли заёмлар ҳисоби, самарадорлик индикаторлари, корхона рисклари ва даромадлилик индикаторлари

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 22-12-2022

Accepted: 22-12-2022

Published: 22-12-2022



## FACTORS AFFECTING INVESTMENT PROCESSES AT TEXTILE INDUSTRY ENTERPRISES.



**Abstract** В данной статье рассмотрены текстильная промышленность, валовой внутренний продукт республики, швейные и трикотажные предприятия, сырьевая база, объемы производства, вопросы управления инвестиционной деятельностью, инновационно-инвестиционное развитие, механизмы управления, потребности внешнего и внутреннего рынка, экономическая рентабельность, банковские проценты, относительно высокая доходность, уровень доходности банковских процентов, рентабельность по сравнению с банковскими процентами оправдана с теоретической точки зрения.

**Keywords:** Экономическая рентабельность, дополнительный прирост активов, Финансовые и операционные потребности, Коэффициент чистой прибыли, Счет текущей долгосрочной задолженности, показатели деятельности, риски предприятия и показатели рентабельности.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 22-12-2022

Accepted: 22-12-2022

Published: 22-12-2022

## ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ИНВЕСТИЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ.



**Abstract** This article discusses the textile industry, the gross domestic product of the republic, sewing and knitting enterprises, the raw material base, production volumes, investment management issues, innovation and investment development, management mechanisms, the needs of the external and internal markets, economic profitability, bank interest, relatively high profitability, the level of profitability of bank interest, profitability compared to bank interest is justified from a theoretical point of view.

**Keywords:** Economic profitability, incremental asset growth, Financial and operational needs, Net income ratio, Long-term current debt account, performance indicators, enterprise risks and profitability indicators.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 22-12-2022

Accepted: 22-12-2022

Published: 22-12-2022

**Кириш.**

Бугунги кунда тўқимачилик саноати Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон ҳозирда қатта ва кўп йўналишларга эга бўлган тўқимачилик саноатига эга. Тўқимачилик саноатининг республика ялпи ички маҳсулотигаги улуши 4,8 %ни ташкил этиб, саноат маҳсулотининг 25 %и, ишлаб чиқариш асосий фондларининг 13 %и ушбу тармоққа тўғри келади. Шу билан бирга, унда республика саноат ходимларининг 32 %и меҳнат қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибида 410 та тўқимачилик корхоналари, 10 та машинасозлик корхоналари, 1330 та тикувчилик-трикотаж корхоналари, шунингдек 91 та пахта-тўқимачилик кластерлари, “Шарқ либослари” дизайн маркази, Реклама ва маркетинг агентлиги, “Ўзтўқимачиликэкспорт” ташқи савдо компанияси, пахта толаси сотувини амалга ошириш бўйича “Тўқимачиликброк” компанияси, шунингдек тўқимачилик корхоналарини лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини амалга оширувчи “Енгилсаноатқурилиш” компаниялари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг барча тармоқларини ривожлантириш ва таъминлаш учун бой хом ашё базасига (пахта, жун, қорақўл, нефть, газ ва ҳоказо), бундан ташқари иқтисоднинг тез суръатларда ривожлантириш учун етарли даражадаги шарт-шароитларга (табиий-климатик, территориал ва меҳнат ресурслари) ҳам эгадир. Тармоқни 2019-2030 йилларда ривожлантиришнинг стратегиясида 2025 йилга бориб, республикада етиштирилаётган пахта хом ашёсининг 100 %ини республикада қайта ишлаб чиқариш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини эса 4,3 марта оширишнинг устувор йўллари белгиланган.

**Адабиётлар таҳлили.**

Тўқимачилик саноати корхоналарини инвестицион фаолиятини бошқариш масалалари хорижлик олимлар Ф.Тейлор, П.Друкер, М.Портер, И.Гордон, М.Уэйтс, Д.Вольф, М.Энрайт ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ушбу соҳада МДХ олимларидан Г.Б.Клейнер, А.А.Итыгина, Э.И.Крылов, А.Н.Дырдонова, В.В.Глухов, Л.Ф.Хомутова, М.И.Хайдарзода, П.А.Мухсинова ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда Ш.Н.Зайнутдинов, М.А.Махкамова, Ш.И.Отажонов, Н.М.Расулов, Б.А.Абдуллаев, Г.Д.Хасанова, Т.З.Тошпулатов, И.И.Солиев, Г.Б.Шоназарова, О.Э.Эрназаров каби олимлар изланишларида иқтисодиётни инновацион-инвестицион ривожланиш йўлига ўтказиш, жумладан, саноат корхоналарининг инновацион ҳамда инвестицион фаолиятини бошқаришда тўқимачилик корхоналар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ундаги

бошқарув механизмларини ўрганиш, ўзгаришларнинг соҳани ривожлантиришдаги аҳамиятини белгилаш муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш заруриятини юзага келтиради.

### Таҳлил ва натижалар.

Иқтисодий ва техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ташқи ва ички бозор талабларга жавоб берадиган товар ва маҳсулотларни кўпайтириш ҳисобига амалга оширилади. Тўқимачилик саноати тармоғида инвестиция сиёсатининг бир томони инвестиция мақсадларини ҳисобга олиши керак бўлса, иккинчи томондан эса, қўйилмаларнинг риск даражасини ҳам инобатга олмоғи лозимдир. Шунингдек, бу борада баланслаштирилган инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг биринчи қадами инвестициялашга нисбатан профессионал ёндашувни амалга оширишни талаб этади.

Инвестицион сиёсатни амалга ошираётган даврга нисбатан қисқа бўлган даврлар оралиғида мазкур сиёсатнинг самарадорлигини баҳолаб туриш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидаги инвестицион сиёсат самарадорлиги индикаторларидан фойдаланиш лозим (1-жадвал).

### 1-жадвал

Тўқимачилик корхоналарида инвестицион жараёнларга таъсир этувчи индикаторлар<sup>237</sup>

Индикаторлар	Риск даражаси		
	Қуйи даража	Ўл қўйилган даража	Юқори даража
Иқтисодий рентабеллик (капиталнинг рентабеллиги)	Банк фоизига нисбатан рентабеллик юқори	Рентабеллик банк фоизи даражасида	Банк фоизига нисбатан рентабеллик паст
Солиқ хатоликларини ҳисобга олган ҳолда инвестицияланган капитал ўртача тортилган баҳосининг	Иқтисодий рентабеллик кўрсаткичининг инвестицияланган капитал тортилган ўртача баҳосига нисбатан	Иқтисодий рентабеллик кўрсаткичининг инвестицияланган капитал тортилган ўртача баҳосига тенглиги	Иқтисодий рентабеллик кўрсаткичининг инвестицияланган капитал тортилган ўртача баҳосига нисбатан

<sup>237</sup> Кесян Г.В. Обоснование индикаторов эффективности инвестиционной политики предприятий. TERRA ECONOMICUS (Экономический вестник Ростовского государственного университета). 2009, Том 7, № 3 (часть 3). - 168 с.

иктисодий рентабелликка нисбати	юқорилиги		пастлиги
1 фоизли активларнинг кўшимча ўсишига тўғри келадиган асосий фондларнинг кўшимча ўсиши	Ортиб кетиши	Тенг бўлиши	Оркада қолиши
Доимий активлар индекси	1 дан кичик	1 га тенг	1 дан катта
Молиявий- эксплуатацион эҳтиёжлар	Хусусий манбалар ҳисобидан таъминланади	Хусусий манбалар ва қисқа муддатли кредитлар ҳисобидан таъминланади	Айланма узок муддатли заёмлар ҳисобидан таъминланади
Соф тушумлар коэффициенти	Ортиб боради	Мумкин бўлган даражада сақланиб қолади	Тушади

Жадвалда келтирилган маълумотлар даромад ва риск нуктаи назаридан инвестиция сиёсатининг самарадорлик индикаторларини ўзида ифода этади. Шунингдек, корхона рисклари ва даромадлилик индикаторлари ёрдамида инвестицион сиёсатни қай даражада амалга ошаётганлигини мониторинг қилиш мумкин ва бу ўз навбатида инвестицион мақсадлар қай даражада амалга ошаётганлигини кўрсатиб беради.

Тўқимачилик саноати тармоғида инвестицион жараёнлар самарадорлиги ва амалга ошириладиган инвестицион сиёсат самарадорлигини таҳлил этган ҳолда, тармоқда инвестициялардан самарали фойдаланишни ифода этувчи қуйидаги индикаторларни таҳлил қилиб боришни ва мониторинг қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

тармоққа жалб қилинган 1 сўмлик инвестицияга тўғри келадиган тўқимачилик тармоғининг ялпи маҳсулот қиймати (сўм);

тўқимачилик саноати тармоғида сафарбар этилган инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати (фоиз);

тўқимачилик саноати тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йиллик ўсиш суръати (фоиз);

саноатда жалб қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажмида тўқимачилик тармоғига жалб қилинган инвестицияларнинг улуши (фоиз);

тўқимачилик саноати тармоғидаги банд бўлган 1 кишига мос келадиган инвестиция ҳажми (киши/сўм);

тўқимачилик саноати тармоғидаги сафарбар қилинган инвестициялар ҳисобига яратилган иш ўринлари миқдори (млн.сўм/та);

тўқимачилик саноати тармоғига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг фойда қайтими муддати (кун) ва бошқалар.

Тўқимачилик саноати тармоғидаги тармоқларида инвестицияларни самарали жойлаштириш бир қатор масалаларнинг ижобий ечими билан бевосита боғлиқ бўлиб, буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

**биринчидан**, тармоққа инвестицияларни жалб этиш орқали янги иш ўринлари сони ортади ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги янада ошади;

**иккинчидан**, мамлакатда тармоққа инвестицияларни жалб этиш натижасида техника ва технологиялар ҳажми кўпайиб, саноатнинг технологик даражасининг ортишига олиб келади, натижада саноат маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот яратиш имконияти кенгайди;

**учинчидан**, тармоққа хориждан инвестицияларни жалб этиш ҳисобига қурилган корхоналарда импортга муқобил ва экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқариш учун имкониятлар янада кенгайди.

Тўқимачилик саноати тармоғида инвестиция маблағларидан унумли фойдаланиш - инвестиция маблағидан фойдаланишни такомиллаштириш, қурилиш объектларининг муддатини қисқартириш, инвестиция маблағини долзарб лойиҳаларга сарфлаш, қурилиш объектлари таннархини пасайтириш, юқори малакали кадрлар, фан - техника, илғор тажриба ютуқларидан фойдаланиш, ижтимоий ривожланишни тезлатишдан иборатдир.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Инвестиция самарадорлигини у ёки бу кўрсаткичлари тизими ва таҳлил услубларининг қўллаш инвестиция жараёнини амалга оширишнинг аниқ шароитларидан келиб чиқади, шунингдек бу қутилаётган маблағнинг миқдорига бундай таҳлилни амалга оширмоқчи бўлганларнинг иқтисодий тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлади. Кўпинча инвестиция лойиҳасини оптимал вариантини танлаб олиш имконияти вужудга келиши учун бир вақтнинг ўзида жуда кўп услублар ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

1. Хусусан, тўқимачилик тармоғида инвестицион фаоллик ва унинг самарадорлигини ошириш борасида корхоналарда инновацион потенциални ривожлантириш ҳамда инвестицион харажатлар самарадорлигини баҳолаш

услубий механизмларини яратиш талаб этилади.

2. Инновацион фаолиятнинг асосини инновация усулларини прогнозлаш ва яратишнинг назарий масалалари, методологик принципларини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга йўналтирилган илмий фаолият ташкил қилади, шунингдек, корпорацияда инновацион фаолиятни режалаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

4. Тезкор бошқарув қарорларини қабул қилишда инвестиция лойиҳалари таҳлили ва мониторингини ўтказиш ташқи ва ички муҳит, ички муҳит ҳамда лойиҳа босқичлари асосида такомиллаштирилди, корхоналарда инвестиция лойиҳаларининг реализация муддатларини мунтазам мониторингини амалга ошириш асосида самарали ва операцион бошқарув қарорлари қабул қилинишига хизмат қилади.

### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ханкелдиева Г.Ш. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг назарий жихатлари —Biznes-Эксперт илмий журнали, 2022 й., 2-сон

2. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Корхоналар корпоратив бошқарувининг баҳолаш усулларини таҳлил қилиш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 5.

3. Ханкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республики Узбекистан. Т.: Иқтисодиёт ва таълим.

4. Махсудов, Ш. С. (2022). Эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни. Scientific progress, 3(4), 159-166.

5. Махсудов, Ш. С. (2022). Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари.

6. Махсудов, Ш. С. (2022). Развитие свободных экономических зон в условиях трансформации рыночных отношений. Бюллетень науки и практики, 8(5), 450-456.

7. Махсудов, Ш. С. (2022). Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришда бошқарув органларининг ўрни. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 1(9), 370-375. Fars Int J Edu Soc Sci Hum 10(12); 2022; Publishing centre of Finland 931

8. Solijonovich, M. S. (2022). The role of government bodies in the development of free economic zones. International Journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 132-137.

9. Махсудов, Ш. С. (2022). Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни самарадорлигини ошириши ва ривожлантириш. Gospodarka i Innowacje., 24, 993-995.

10. Махсудов Шерзод Солижонов (2023). Эркин иқтисодий зоналардаги корхоналарнинг фаолиятига инновацион муҳитнинг таъсири. *Research Focus*, 2 (1), 516-522.
11. Maxsudov Sherzod Solijonovich. (2023). The influence of macro environmental factors on the development of free economic zones. *International Journal of Studies in Business Management, Economics and Strategies*, 2(4), 21–26. Retrieved from <https://scholarsdigest.org/index.php/bmes/article/view/96>
12. Махсудов, Ш. С. (2023). Мамлакатда мавжуд эркин иқтисодий зоналарни бошқариш тизимини ташкил этиш. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 15, 405- 412.
13. Махсудов Ш. Мамлакатда мавжуд эркин иқтисодий зоналарни бошқариш тизимини ташкил этиш —*European Journal of Interdisciplinary Research and Development* 2023.
14. Махсудов Ш. Мамлакатда мавжуд эркин иқтисодий зоналарни бошқариш тизимини ташкил этиш. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development Website: www.ejird.journalspark.org* 2023 may Fars Int J Edu Soc Sci Hum 10(12); 2022; Publishing centre of Finland 932
15. Ш.С Махсудов Ўзбекистонда тўқимачилик саноати тармоғини ривожланиш ҳолати таҳлили *Finland International Scientific Journal of Education* 2022 924-932
16. Хамракулов, И. Б. (2023). Организационно-экономическая характеристика развития электроэнергетических предприятий в узбекистане. *models and methods for increasing the efficiency of innovative research*, 2(23), 398-402.
17. Хамракулов, И. Б. (2023). Жаҳонда «яшил иқтисодиёт» нинг энергетика соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг ҳозирги ҳолати таҳлили ва ривожланиш тенденциялари. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(4), 2361-2366.